

ЎЗБЕКИСТОН ПУЛЛАРИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Катта илмий ходими

Валиева Г

Металдан ишланган пул-танга –чақаларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихидаги нг муҳим воқеалардан биридир. Маълумки, жамият иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ғоят юксак даражасига ришгандагина танга чақалар кашф этилиши мумкин эди. Бу ҳодиса тарихий кўламда анча кеч рўй берди. Дастлабки танга чақалар миллоддан аввалги VII-асрда Кичик Осиёда пайдо бўлди. Танга зарб этиш Ўрта денгиз бўйи мамлакатларига тез тарқалди., миллоддан аввалги VI-асрда эса Эрон ва Ўрта Осиёнинг каттагина қисмини ўз ичига олган Аҳмонийлар империясига кириб борди. Миллоддан аввалги IV-асрда Александр Македонский Аҳмонийлар ҳокимлигини барбод этди, унинг ўлимидан кейин эса тасаруфидаги ерларнинг шарқий қисми Салавкийларга, Александр қўмондонлигига ўтди. Аҳмонийлар ҳамда Александр Македонский тангалари Ўрта Осиёга ҳам келди, лекин улар айрим ноёб нусхаларгина эди. Ниҳоят Салавкнинг ўғли Антиох давридан эътиборан Ўрта Осиёга фақат кумуш тангаларгина эмас, балки мис чақаларнинг ҳам кенг кўламда кириб кузатилади.



Миллоддан аввалги III-асрда Ўрта Осиёда пул муомиласи бошланди. Бу борада қўйилган янги кадам янада муҳимроқ эди. Миллоддан аввалги III-аср охирларида Ўрта Осиёнинг ўз тангалари пайдо бўлди. Улар Антиохнинг кумуш тангаларига ўхшатиб зарб этилди. Танганинг олд томонидан чамбарга олинган подшоҳ бюсти, орқа томонида юганланган шохли от боши ва ҳукумдор номи битилган (“подшоҳ Антиох”) юнон ёзуви кўзга ташланади. Антиохнинг асл тангаларидан унинг фарқи шундаки Ўрта Осиё тангаларидаги тасвирларнинг сифати пастроқ ва ёзувлари бузиб берилган. Улар чамаси Самарқандда зарб этилган. Миллоддан аввалги III-асрд ўрталарида Салавкийлар ҳокимлигининг шарқий ҳудудларида Грек-Бақтрия подшолиги юзага келди. Грек-Бақтрия тангалари юқори дид билан ишланган бўлиб, ҳар бир тангада доира ичида подшоҳнинг тасвири унинг ички моҳиятини очиб берадиган тарзда заргарона санъат билан бажарилган. Грек-Бақтрия тангалари Ўзбекистонда айниқса Сурхандарё вилоятида кўп учрайди Бухоро воҳаси эса Грек-Бақтрия йирик кумуш тангаларининг 50 нусхадан иборат бутун бошли хазинаси топилди. Грек-Бақтрия ҳукмдорлари асосан кўмишдан, баъзан олтин ва мисдан истисно ҳолларда эса хатто мис-никел қотишмасидан зарб этилган. Грек-Бақтрия тангаларининг машҳурлиги шунга олиб келдики, Ўрта Осиёнинг кўпгина

худудларида- Жанубий Амударё бўйи вилоятларида Бухоро ва Хоразм воҳаларида ўша тангаларга ўхшатиб тангалар чиқарилди. Милоднинг I-III асрларида Ўзбекистоннинг жануби Афғанистон ҳамда Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонни ўз ичига олувчи жаҳоншумул мамлакат бўлмиш Кушон империяси таркибига кирган. Зарб этилган илк кушон тангаларида грек-бактрия таъсири яққол сезилади, бироқ кейинроқ кушоннинг ўзига хос алоҳида тангалари пайдо бўлди.



Бу даврдаги тангаларда хатто Будда тасвирини кўриш ҳам мумкин эди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки кушон тангаларининг аксарияти олтиндан зарб этилган. Бундан ташқари Кушонлар даврида кўплаб мис чақалар ҳам чиқарилган. Сурхандарё худудида улар фақат кўҳна шаҳарларнинг ҳаробаларидагина эмас, балки кичикроқ қишлоқларда ҳам учрайди. Бинобарин хатто қишлоқлар ҳам ўша даврларда товар пул муносабатларига тортилган. Амударё бўйи вилоятлари эса иқтисодий тараққиётнинг ғоят юқори даражасига эришди. Бу борада маскур вилоятлар Ўрта Осиё миқёсида етакчилик қилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Зеро Ўрта Осиёнинг баъзи вилоятлари масалан Чоч ҳали ҳатто ўз тангасига эга эмас эди. Фарғона водийсида Ҳитой тангалари тез-тез учрайди. Бошқа вилоятларда эса рим тангалари кўзга ташланади. (Ўратепада шундай тангалар хазинаси топилган) Буларнинг бари халқаро савдонинг кенг миқёси ҳақида далолат берадики, унга Ўзбекистоннинг

кўпгина вилоятлари ҳам жалб қилинган. Илк ўрта асрларда (V-VIII асрлар) жаҳон мамлакатлари билан кенг кўламдаги савдо ва маданий алоқалар янада фаоллашди. Хитой билан тобора алоқаларнинг кучайиши натижасида Ўрта Осиёнинг айрим вилоятларида хитой намунасидаги тангалар зарб этила бошлади. Кўп асрлар мобайнида Хитойда мис ёки бронзада ишланган ўртасида квадрат тарзидаги ўйиқли тангалар ягона пул хизматини ўтаган, шуниси ҳам борки, улар зарб этилмай қўйилган. Шундай хитой тангаларига тақлидан (аммо хитой иероглифларсиз) ўртаси ўйиқ қуйма тангалар Самарқанд, Суғдида, Бухоро воҳасида, Фарғонада, Еттисувда ва Амударё вилоятларида чиқарилган. Сосонийлар Эроннинг кумуш тангалари Туркистонга кўплаб келтирилган. Уларнинг олди томонига шаханшоҳ тасвири, орқа томонига эса икки соқчи ўртасида ўтли меҳроб тасвирланган (зеро зардуштийлик, оловга сиғиниш Эронда давлат дини ҳисобланган.) Ана шундай дирҳамларга тақлидан ҳукмдорлари бухархудо тлар номида юритилган. Амударё бўйи вилоятларида ҳамда Бухоро воҳасида кумуш тангалар зарб этилган ва шу боисдан Бухоро тангалари бухорохудо т тангалари номини олган.

Туркистонга византия тангалари ҳам кириб келиб, Чағониён, Суғд, Чоч ва Фарғонада танга чиқаришга ўз таъсирини ўтказди. Суғд, Чоч ва Хўжанд оралиғида жойлашган Уструшон тангалари ҳам диққатга сазовор. Уларнинг айримларида, чамаси Хиндистон билан алоқаларга шама қилувчи фил тасвири келтирилган. Қанчадан-қанча маҳаллий танга нусхалари бўлган. Бу борада энг мутаассиби Хоразм эди “хоразм чавандози” тасвири милоднинг I-асридан то VIII-асригача бўлган тангалардан жой олган. Илк ўрта асрлар танга нусхаларининг ниҳоятда ҳилма-ҳиллиги билан ажралиб туради. Ўрта Осиё VI-асрда Сарик денгиздан Қора денгизга қадар чўзилган улкан Турк ҳоконлиги таркибига кирган эсада, Туркистон ерларида амалда ҳукмронликни ўнлаб ўрта ва майда мулкларнинг ҳокимлари амалга ошириб, улардан деярли ҳар бири ўз тангасини чиқаришга интиланган. Туркистоннинг деярли барча вилоятлари иқтисодий ривожланишнинг шундай даражасига эришдики, натижада ўз тангасини чиқариш зарурати туғилди. Натижада бу даврга келиб барча Туркистон вилоятлари нумизматика саҳнасига чиқди. Чочда танга зарб этиш IV-асрдан олдинроқ бошланган, илк ўрта асрларда нусхаларнинг ниҳоятда ҳилма-

хиллиги билан ажралиб турувчи танга зарб этиладиган бир қанча марказлар таркиб топди. Фарғонада илк бор ўз тангаси, чамаси VI-асрда пайдо бўлган. VIII-асрда эса улар бир қанча ерларда чиқарилган. Уструшонда танга зарб этиш VII-асрда вужудга келди. Нахшабда танга зарб этиш, IV-асрда бошланиб, VIII-асрда давом этган. Гарчи бу вақтга келиб тангалар ҳамма ерда чиқарилган бўлсада Туркистоннинг барча вилоятлари иқтисодий жиҳатдан бир хил ривожланган эмас эди. Эҳтимол бу борада Самарқанд, Суғд етакчилиқ қилгандир, зеро бу ерда мис тангалар жуда мўл чиқарила эди. VII-аср ўрталарида бошланиб, VIII-асрда давом этган Туркистоннинг араблар томонидан босиб олинishi тангасозлик тарихида муҳим босқич бўлди. Араблар дастлаб византияликлардан босиб олган йўлларида византия намунасида собиқ Сосонийлар давлати ҳудудида сосоний дирҳами нусхасида тангалар чиқарганлар. VII-аср сўнгида Абдумалик Умавий пул ислоҳати ўтказиб, мусулмон тангасини зарб қилишга асос солди. Ўшандан эътиборан тангалар соф эпиграфик, яъни уларда фақат ёзувлар жойлаштириладиган бўлди. Танганинг олди томонига “Ла илоҳа иллоллоҳ” орқа томонига эса “Муҳаммад оллоҳнинг расули” ёзувлари битилган. Шуниси муҳимки танганинг олди томонида танганинг номи, зарбхона номи ҳижрий ҳисоб бўйича танганинг зарб этилган йили келтирилган. Танганинг номланиши металга боғлиқ эди. Олтин танга динар, кўмиш танга дирҳам, мис танга фалс деб аталган. Илк мусулмон тангалари исмсиз бўлган, кейинроқ халифаларнинг, ноибларнинг ва бошқаларнинг исмлари пайдо бўлади. Мусулмон тангаларидаги ёзувлар куфий услда ёзилганлигидан VIII-XII асрлардаги тангалар кўпинча куфий тангалар деб юритилган. Франция сарҳадларидан то Ҳиндистонгача чўзилган улкан араб халифалиги ўз сиёсий бирлигини узоқ вақт сақлаб қололмади. VIII-асрда бошланган халифаликнинг емирилиши IX-асрда кучайди ва X-асрда ниҳоясига етди. Мусулмон оламининг шарқий қисмида ҳокимият тепасига Сомонийлар (820-999 йиллар) келди Сомоний динарлари нисбатан кичик кўламда асосан Туркистондан ташқарида зарб қилинган. Сомоний дирҳамлари кўплаб Хуросонда, айниқса Мовароуннаҳрда-Самарқанд, Бухоро ва Шошда зарб этилди. Мис тангалар деярли буткул Мовароуннаҳрда, Бухоро ва Самарқандда эса мис танга икки хил қийматда чиқарилди. Маҳсулот ва молларни кундалиқ харид қилиш савдоси

Зарфшон водийсида юқори даражада ривож топди. Бу ҳол айнан шу ерда Ўрта Осиё бўйича иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасига ришилди. Фақат ички савдо эмас, балки ташқи савдо ҳам гуллаб яшнади. Шарқий ва Шимолий Европа билан алоқалар ғоят жадал олиб борилганки у ерлардан топилган Бухоро, Самарқанд. Шода зарб этилган IX-X асрлар дирҳамларининг юзлаб хазиналари фикримизга далил бўлади. X-XI аср чегарасида Сомонийлар ўрнини Қорахонийлар эгаллаб XIII аср бошларигача ҳукмронлик қилди. Кумуш инқироzi худди шу даврга тўғри келди. Фақат Туркистондагина эмас бутун мусулмон оламида дирҳамлар таркибидаги кумуш миқдори камайиб кетди. Маълумки паст пробали танга халқаро савдо учун мутлақо ярамайди, натижада Сомонийлар даврида шимоли шарққа оқиб келган кумуш танганинг қудрати оқими энди буткил тўхтади. Қорахонийларнинг амалан барча тангалари Қорахонийлар хоқонлиги доирасида қолиб кетди. Қорахонийларнинг тангаси Сомонийлар тангасидан ёзувининг нафислиги ва умуман безакларнинг хилма-хиллиги ҳамда сифатлилиги билан ажралиб туради. Баъзан қурол тасвирлари ҳам учраб туради. Айрим ҳолларда қуён, йулбарс, фил, қоплон қушлар ва балиқ тасвирланган. Қорахонийлар мавжудотни тасвирлашни ислом динида маъқул кўрмаслигидан яхши хабардор бўлганликлари учун мавжудот расмлари ички бозорда ишлатиш учун чиқариладиган чақалардагина берилган. Чақалар ўнлаб зарбхоналарда, лекин кўпинча Зарафшон Водийсида ва Фарғонада чиқарилган. Чақалар зарб этиш деярли ҳамма ерда тўхтаган маҳлда ҳам Самарқанд ва Бухорода зарб этиш давом этди. Бинобарин, Зарфшон водийси етакчилик ролини ўйнаган, ваҳоланки Фарғона, Чоч ҳам иқтисодий ривожланиш жиҳатидан унга яқин турар эди. Гарчи X-XI аср охирларидаги айрим тангаларда уйғур ёзуви учрасада, тангалардаги асосий ёзув араб ёзувилигича қолди. XII-аср Фарғона дирҳамлари туркумларидан биридагина форс тилидаги ёзув учрайди. XIII-аср бошларида Туркистон муғуллар томонидан истило қилинди. Кейинчалик бу империя, алоҳида давлатларга, улусларга парчаланиб кетди. Туркистоннинг асосий қисми Чигатой улуси таркибига кирди. Хоразм Жужуларга, Жанубий Туркменистон Ҳулагуларга бўйсинди. XII-аср охирларида Чигатойлар давлатида юқори пробали кумуш тангалар мунтазам чиқарила бошланди, бу билан кумуш инқирозига чек қўйилди.

XIV-asr бошларида чигатой танга туркими шаклланиб, у муғиллар истилоси арафасидаги тангалардан тубдан фарқ қилган. Танганинг олди томонига исломий эътиқод рамзининг иккала қисми ва халифалар Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алининг номлари ёзилган. Танганинг орқа томонига подишоҳ номи, зарбхона номи ва сағанаси, одатда рақамлар билан туширилган. XIII-XIV асрлардаги танга ёзувларида аввалгидек араб тили ҳукмронлик қилган, баъзан уйғур ёзувидаги муғул матнлари берилган. Самарқанднинг XIII-аср дирҳамларида, шунингдек форсий ва онда-сонда туркий матнлар араб ёзувида берилган. XIII-аср Бухоро тангаларининг ноёб нусхаларида хатто Хитой иероглифлари учрайди, бир вақт Бухоро ноиби хитой бўлган. Бошқа бир хитойнинг маслаҳати билан қўшни Хулагурлар давлатида XIII-аср охирида пул ислоҳати ўтказилиб, унга кўра олтин ва кумуш тангалар зарб этиш ва муомилада юритиш ман қилинган унинг ўрнида “Чо” қоғоз пули чиқарилган. Хитойда қоғоз пуллар бир неча асрдан буён мавжуд эди. Хулагурлар давлатида эса қоғоз пуллар муомилада бўлмаган, шунинг учун аҳоли “Чо”ни қабул қилмади ва савдо-сотик тўхтаб қолди, хўжалик фаолияти ишдан чиқди, натижада ҳукумат тез орада танга зарб эттиришга мажбур бўлди.

Темур ва Темурийлар даврида ҳам икки хил қийматда кумуш танга зарб қилиш давом этди. Йирик кумуш тангалар “танга”, майдалари “мири” деб юритилган Темур ўз давлатида кўплаб кумуш тангалар зарб эттирди, мис тангалар эса жуда кам эди. Улуғбек давридан жуда кўп мис тангалар етиб келган Унинг илк мис тангаларидан бири диққатга сазовор Ахси, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Термиз тангаларида шер, орқасида эса қуёш чиқиб келаётганлиги тасвирланган. Ҳижрий 832 (милодий 1428-29) йили Улуғбек икки босқичда пул ислоҳати ўтказди. Биринчи босқич бир хил мис тангалар бир қанча зарбхоналарда Андижон, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Термизда чиқарилди. Иккинчи босқич Бухорода зарб этилди. Улуғбекнинг пул ислоҳати хазина ва аҳоли манфаатларини мақбул тарзда уйғунлаштирди. XVI-аср бошларида Темурийлар давлати Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар томонидан тор-мор этилди. XVI-XVII аср чегарасида Шайбонийлар ўрнини Аштархонийлар эгаллади. Ҳар иккала сулола ҳукмдорлари бир қийматга эга кумуш тангалар чиқаришди. Ижро сифати ва

пробаси XVII-асрда айниди ва XVIII -аср бошларига келиб паст навли қийшиқ шаклдаги хунук ёзувли тангага айланди. XVIII-асрда Ўрта Осиёда ўзбек қабилаларидан чиққан кишилар ҳукмронлик қилган учта мустақил давлат таркиб топди. Қўқон, Бухоро ва Хива хонлиги уччала давлатда олтин, кумуш , мисдан пул тайёрланди.Олтин танга пробасининг юқорилиги ёзувининг нафислиги, безатилишининг чиройлилиги билан ажралиб турган. Тангага битилган араб ёзувидаги матн қисқароқ, зарбхона номи, санаси, бир икки унвони билан ҳукмдор исми битилган. Хонликлар тугатилгандан кейин пул чиқариш тугатилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1."Мозийдан садо" –илмий-амалий,маънавий-маърифий журнал.**
- 2."Фарғона водийсида музей иши ва фаолияти" китоб Ўзбекистон Республикаси .Маданий мерос агентлиги.**
- 3."Мозий собоқлари" – журнал**
- 4."Санъат" журнали.**
- 5."Гулистон"–ижтимоий-сиёсий,илмий-бадий,маданий-маърифий журнал.**